O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 19 » август 20 19 y. № 691 Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисобларнинг замонавий тизимини жорий этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида" 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида миллий ҳисоблар замонавий тизимининг халқаро стандартларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**қарор қилади**:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 31 июлдаги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ "Миллий ҳисоблар тизими – 2008" қўлланмаси асосида макроиқтисодий ҳисоб-китоблар методологиясини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётганлиги;

республикада макроиқтисодий статистиканинг халқаро стандартларини жорий этиш ва миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштиришда техник ва маслаҳат ёрдамини кўрсатиш масалалари бўйича Халқаро валюта жамғармаси, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва МДҲ Статистика қўмитаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банкнинг макроиқтисодий кўрсаткичлар қамровининг тўлиқлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотни якуний истеъмол усулида ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришни назарда тутувчи миллий ҳисоблар замонавий тизимини 2020 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий статистикани янада такомиллаштириш ва миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар комплекси (кейинги ўринларда Амалий чора-тадбирлар комплекси деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги:

иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалаларида манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини;

халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш орқали республикада макроиқтисодий статистикани янада такомиллаштириш масалаларида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни таъминласинлар.

5. Амалий чора-тадбирлар комплексида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.А. Бегалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** — **А.Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 19” августдаги 691 - сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикасида иқтисодий статистикани янада такомиллаштириш ва миллий ҳисоблар замонавий тизимини жорий этиш бўйича**
**АМАЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ**

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Иқтисодий статистикани, жумладан миллий ҳисоблар статистикасини такомиллаштириш** | | | | |
| 1 | 2017 йил маълумотлари бўйича методик ёндашувлардаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ялпи ички маҳсулот (кейинги ўринларда ЯИМ деб аталади) ретроспектив динамик қаторларини ишлаб чиқариш ва якуний истеъмол усулларида қайта ҳисоблаш ишларини якунлаш:<br>йиллик маълумотлар – 2010-2016 йиллар учун;<br>чораклик маълумотлар – 2016-2018 йиллар учун. | 1. Қайта ҳисоблаш ишларини амалга ошириш ва макроиқтисодий кўрсаткичлардаги ўзгаришлар бўйича қиёсий ва таҳлилий жадвалларни тайёрлаш.<br>2. Халқаро валюта жамғармасининг (кейинги ўринларда ХВЖ деб аталади) кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими (кейинги ўринларда к-МТУТ деб аталади) доирасида Ўзбекистоннинг Йиғма маълумотлар миллий саҳифасидаги “Миллий ҳисоблар” бўлими маълумотларини янгилаш.<br>3. Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали статистик ахборотлардан фойдаланувчиларни макроиқтисодий кўрсаткичларга киритилган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиш. | 2019 йил сентябрь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 2 | Миллий ҳисоблар тизими (кейинги ўринларда МҲТ деб аталади) талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат статистика кузатувлари шаклларини ва уй | 1. 2020 йил учун давлат статистика кузатувлари шаклларига ва уй хўжаликлари кузатувлари сўровномаларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил сентябрь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | хўжаликлари кузатувлари сўровномаларини такомиллаштириш. | 2. 2020 йил учун Давлат статистика ишлари дастури лойиҳасига киритиш учун бошқа вазирликлар ва идоралар томонидан бажариладиган статистика ишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2019 йил сентябрь-ноябрь | Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)* |
| 3 | ЯИМнинг чораклик ҳисоб-китобларини ишлаб чиқариш усули билан ёйиб бериш. | 1. Чораклик ЯИМни иқтисодий фаолият турлари бўйича батафсил тақсимлаш учун ахборот манбаларини таҳлил қилиш.<br>2. Иктисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг (2-тах.) (кейинги ўринларда ИФУТ-2 деб аталади) барча секциялари бўйича чораклик ЯИМнинг экспериментал ҳисоб-китобларини амалга ошириш.<br>3. ИФУТ-2 таснифлагичининг барча секциялари бўйича чораклик ЯИМни эълон қилиш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил декабрь<br><br>2020 йил июнь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 4 | ЯИМни якуний истеъмол усулида ҳисоблашда қўлланиладиган халқаро статистик таснифларни жорий этиш. | 1. “Давлат бошқаруви органлари функцияларининг таснифи”ни (кейинги ўринларда ДБОФТ деб аталади) ЯИМни якуний истеъмол усули бўйича ҳисоблаш амалиётига мослаштириш.<br>2. Уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари таснифини “Мақсадлар бўйича индивидуал истеъмол таснифи”га (кейинги ўринларда МИИТ деб аталади) мувофиқ такомиллаштириш. | 2019 йил ноябрь-декабрь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 5 | Якуний истеъмол усули бўйича ЯИМнинг батафсиллаштирилган ҳисоб-китобларини амалга ошириш. | Қуйидагиларни:<br>уй хўжаликларининг якуний истеъмол харажатлари ҳисоб-китобларини МИИТга асосан;<br>давлат бошқаруви органларининг якуний истеъмол харажатлари ҳисоб-китобларини ДБОФТга асосан;<br>асосий капиталнинг ялпи жамғарилиши ҳисоб-китобларини номолиявий активлар таснифига асосан амалга оширилади. | 2020 йил март<br><br><br><br>2020 йил ноябрь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |
| 6 | "Ресурслар ва фойдаланиш" жадвалларини тузиш амалиётини такомиллаштириш. | 1. Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини текшириш бўйича тайёргарлик ишларини амалга ошириш.<br>2. Корхоналар ва ташкилотларнинг маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркибини текшириш. | 2019 йил октябрь-декабрь<br><br>2020 йил январь-июнь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 7 | Макроиқтисодий статистикани шакллантирувчилар ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёнларини кенгайтириш. | Макроиқтисодий статистикани шакллантирувчи вазирликлар ва идоралар масъул мутахассисларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиб бориш ва иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини тузиш учун ахборот ресурсларини шакллантириш масалалари бўйича идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш. | Доимий равишда | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 8 | Иктисодий статистикани, жумладан, миллий хисоблар ва нархлар статистикасини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан маслаҳат ва техник кўмак кўрсатилиши бўйича халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш. | 1. Халқаро ташкилотлар экспертларини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш;<br>2. Иқтисодий статистикани, жумладан, миллий ҳисоблар ва нархлар статистикасини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари бўйича техник кўмак миссияларини ташкил этиш. | Халқаро ташкилотлар билан келишган ҳолда | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 9 | Миллий хисоблар тизимининг ЯИМ ҳажми, таркиби ва динамикасига таъсир қилувчи янги қоидаларини хисобга олган ҳолда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар хисоб-китобларини жорий этиш. | 1. МҲТнинг янги қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун маълумотлар манбаларини шакллантириш.<br>2. Тажриба асосида тегишли кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобларини амалга ошириш ва уларнинг ЯИМ таркибий қисмларига таъсирини таҳлил қилиш.<br>3. Зарур ҳолларда манфаатдор вазирликлар ва идоралар ўртасида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳисоб-китоблар натижаларини муҳокама қилиш.<br>4. ЯИМни ҳисоблаш амалиётини МҲТнинг янги қоидаларига мувофиқлаштириш. | 2019 йил мобайнида<br><br>2019 йил мобайнида<br><br>2019 йил мобайнида<br><br>2020 йил мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 10 | Чораклик иқтисодий статистикани шакллантириш амалиётини такомиллаштириш. | 1. Давлат статистика ҳисоботи шакллари асосида дискрет ҳисобот маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш.<br>2. Чораклик ва йиллик маълумотларнинг мувофиқлигини таҳлил қилиш.<br>3. Базавий йилнинг ўртача йиллик нархларида дискрет чораклик маълумотлар ҳисоб-китобларини жорий этиш. | 2019 йил мобайнида<br><br>2019 йил мобайнида<br>2020 йил мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 11 | Иқтисодий статистика кўрсаткичларини шакллантириш методологиясини такомиллаштириш. | Иқтисодий статистика соҳасида такомиллаштирилган методик қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 12 | МҲТ маълумотларининг бошқа макроиқтисодий статистика тизимлари билан мувофиқлигини таъминлаш. | 1. МҲТ маълумотларининг тўлов баланси билан мувофиқлигини таъминлаш.<br>2. МҲТ маълумотларининг давлат молияси статистикаси билан мувофиқлигини таъминлаш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |
| 13 | Нархлар статистикаси бўйича маълумотларни шакллантириш методологияси ва сифатини яхшилаш. | Истеъмол нархлари ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индексларини шакллантириш методологиясини халқаро тавсияларга мувофиқ такомиллаштириш. | 2019-2020 йиллар мобайнида | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)*, манфаатдор вазирликлар ва идоралар |
| 14 | Халқаро таққослаш дастурининг (кейинги ўринларда ХТД деб аталади) навбатдаги глобал босқичида иштирок этиш. | 1. Ўзбекистон Республикасининг ХТДнинг навбатдаги босқичида иштирок этиши масаласини ХТД бўйича ҳудудий координатор билан ишлаб чиқиш.<br>2. ХТДда босқичида тутилган маълумотларни йиғиш, шакллантириш ва тақдим этиш масалалари юзасидан ХТД | ХТДнинг навбатдаги босқичи жадвалига мувофиқ | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ҳудудий координатор билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.<br>3. ХТДнинг навбатдаги глобал босқичида иштирок этиш. | | |
| 15 | Иқтисодий статистика, жумладан, миллий ҳисоблар тизими соҳасида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш ва ходимларнинг касб малакасини ошириш. | 1. Халқаро ва минтақавий семинарлар, ўқув курслари ва онлайн курсларда мунтазам иштирок этиш.<br>2. Давлат статистика қўмитаси мутахассисларининг халқаро ва минтақавий семинарлар ҳамда ўқув курсларида иштирок этиши натижасида олинган билим ва тажрибаларни ўзаро алмашиш.<br>3. Янги қабул қилинган мутахассислар учун услубий ва амалий масалалар бўйича мунтазам ўқув тренинглари ўтказиш. | Доимий равишда | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 16 | Статистикани ривожлантириш бўйича Миллий стратегияни ва уни ўрта муддатли истиқболда амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш. | 1. Жаҳон банки гуруҳи билан статистикани ривожлантириш бўйича Миллий стратегияни ҳамкорликда тайёрлаш масаласини ишлаб чиқиш.<br>2. Жаҳон банки гуруҳи экспертлари иштирокида миллий статистика тизимининг ҳозирги ҳолатининг халқаро тавсияларга мувофиқлигини баҳолаш ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш.<br>3. Статистикани ривожлантириш бўйича миллий стратегияни ва уни ўрта муддатли истиқболда амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил сентябрь-декабрь<br><br>2020 йил январь | Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Давлат молияси статистикасини такомиллаштириш ва бюджет маълумотларининг очиқлигини ошириш** | | | | |
| 17 | Етишмаётган маълумотларни киритиб, чегаравий ҳолатларни тўғри таснифлаш учун зарур маълумотларни олган ҳолда секторлар бўйича таснифлашни якунлаш ҳамда натижаларни Давлат статистика қўмитаси билан муҳокама қилиш. | 1. Устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган юридик шахслар рўйхати асосида уларни давлат бошқаруви сектори институционал бирликлари сифатида секторлаштиришни амалга ошириш.<br><br>2. Олиб борилган ишлар натижаларини муҳокама қилиш учун маслаҳат учрашувлари ва давра суҳбатларини ташкил этиш.<br><br>3. Иқтисодиёт секторлари бўйича институционал бирликлар таснифлагичини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил мобайнида<br><br>2020 йил мобайнида | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)*<br><br>Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)*, Давлат активларини бошқариш агентлиги *(А.Хайдаров)* |
| 18 | Бюджет ташкилотларининг барча бюджетдан ташқари жамғармаларини ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларни давлат молияси статистикасининг ҳисобга олиш тизимига | 1. Давлат молияси статистикасининг ҳисобга олиш тизимига киритиладиган институционал бирликлар реестрини тузиш учун бюджетдан ташқари жамғармалар ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларни | 2019 йил сентябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б.Хўжаев)*, |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | киритиш учун норматив-ҳуқуқий базасини яратиш. | инвентаризация қилиш, аниқлаш ва рўйхатини тузиш.<br>2. Давлат молияси статистикасини ҳисобга олишни ташкил этиш учун зарур маълумотларни тақдим этиш тартиби (халқаро стандартларга мувофиқ чораклик молиявий статистика ҳисоботлари шакллари ва уларни тақдим этиш муддатлари)ни ишлаб чиқиш ҳамда барча бюджетдан ташқари жамғармалар ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларга етказиш. | 2019 йил октябрь | Давлат активларини бошқариш агентлиги *(А.Хайдаров)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)* |
| 19 | Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари (2019 йилнинг ҳисоботларидан бошлаб) ва нобозор бирликлар фаолиятини ҳисобга олган ҳолда давлат молияси статистикаси (кейинги ўринларда ДМС деб аталади) ҳисоботларида давлат бошқаруви сектори тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш. | 2020 йилдан бошлаб давлат бошқаруви сектори статистика ҳисоботларини (даромадлар, харажатлар, активлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ операциялар, шунингдек, давлат бошқаруви органлари функциялари бўйича харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлар) Давлат молияси статистикаси қўлланмаси (кейинги ўринларда ДМСҚ-2014 деб аталади) стандартига мувофиқ тақдим этиш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |
| 20 | Маълумотларни алмашиш каналларини йўлга қўйиш, секторлар бўйича таснифлаш тизимини келишиш ва мувофиқлаштирилган давлат молияси статистикасини шакллантириш. | 1. Давлат молияси статистикасини шакллантириш бўйича Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Марказий банк ўртасида яқин ҳамкорликни ўрнатиш.<br>2. Давлат молияси статистикасини сифатли шакллантириш, тезкор маълумотлар алмашиш каналларини йўлга қўйиш, Миллий ҳисоблар тизими ва бошқа халқаро статистика ҳисоботлари билан интеграциялаш бўйича | 2019 йил сентябрь<br>2019 йил октябрь | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | ўзаро ҳамкорлик тўғрисида Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат статистика қўмитаси ўртасида меморандум тузиш. | | |
| 21 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан халқаро молиявий институтлар учун тақдим этиладиган маълумотларнинг мувофиқлигини таъминлаш. | 1. 2018 йил учун етишмаётган маълумотларни йиғиш ва Марказий банк билан ҳамкорликда бюджетнинг касса ижроси ҳамда давлат депозитларининг ўзгаришини мувофиқлаштиришни якунлаш, шунингдек, бундай мувофиқлаштириш ишларини мунтазам амалга ошириб бориш.<br>2. Давлат бошқаруви секторининг бюджет ижроси ва ДМС ҳисоботлари ўртасида маълумотларни дастлабки мувофиқлаштириш ишларини якунлаш.<br>3. Давлат бошқаруви сектори қолдиғи ва қарзининг умумий ҳажмдаги ўзгаришини йиллик келишиш. | 2019 йил сентябрь<br><br>2019 йил сентябрь<br><br>март (ҳар йили) | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Марказий банк *(И.Норқулов)* |
| 22 | “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ ҳисобот тақдим этилишини ва ахборотни ошкор қилишни янада такомиллаштириш. | 1. Давлат бошқаруви секторига киритиладиган бюджет ташкилотларининг ва устав фонди (капитали)да давлат улуши бўлган нобозор ишлаб чиқарувчи юридик шахсларнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлари тўғрисидаги маълумотларни бюджет ҳисоботларида акс эттириш.<br>2. Бюджет қолдиғи тўғрисидаги маълумотларни соф кредитлаш/қарздорлик концепциясига мувофиқ тақдим этиш, шунингдек, умумий балансни алоҳида тақдим этиш. | 2020 йил май | Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ даромадлар бўйича ҳисоботларни такомиллаштириш. Солиқ бўлмаган даромадлар ва уларнинг асосий қисмларини алоҳида тақдим этиш.<br>4. Харажатларни баҳолаш тўғрисидаги маълумотни иқтисодий таснифда ва маъмурий бирликлар бўйича тақдим этиш.<br>5. “ДМСҚ-2014” стандартига мувофиқ бюджетни тақдим этиш ва бюджет маълумотларини ошкор қилишга босқичма-босқич ўтиш. | | |
| **III. Ташқи сектор статистикасини ва пул-кредит статистикасини такомиллаштириш** | | | | |
| 23 | Ташқи сектор ва пул-кредит статистикасини такомиллаштириш юзасидан маслаҳат ва техник кўмак кўрсатилиши бўйича халқаро ташкилотларни фаол жалб этиш. | Ташқи сектор ва пул-кредит статистикаси маълумотларини шакллантириш методологиясини такомиллаштириш ва сифатини яхшилаш жараёнларига ХВЖнинг техник кўмак миссиясини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш. | 2019 йил давомида | Марказий банк *(И.Норқулов)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)* |
| 24 | ХВЖнинг “Халқаро молиявий статистика” тўпламида Ўзбекистон Республикасининг саҳифасини очиш. | 1. ХВЖнинг техник кўмак миссияси билан ҳамкорликда стандарт ҳисобот шаклларини пул-кредит ва молиявий статистика бўйича охирги қўлланма (Monetary and Financial Statistics Manual and Compilation Guide (IMF, 2016)) талабларига мувофиқ янги стандартларга мослаштириш ишларини амалга ошириш.<br>2. Миллий ҳисоблар, давлат молияси ва меҳнат ресурслари статистикаси бўйича маълумотларни ХВЖнинг “Халқаро молиявий | 2019-2020 йиллар. | Марказий банк *(И.Норқулов)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Бандлик ва меҳнат муносабатлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | статистика" тўпламида нашр этиш учун ХВЖга тақдим этиш бўйича Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш. | | вазирлиги *(Э.Мухитдинов)* |
| 25 | Молиявий сектор шарҳини тузиш. | 1. Бошқа молиявий ташкилотлар бўйича стандарт ҳисобот шаклларини тузиш юзасидан ХВЖнинг техник кўмак миссиясини жалб этиш.<br>2. Бошқа молиявий ташкилотлар (суғурта ва лизинг компаниялари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, брокерлик фирмалари, биржалар ва бошқалар) фаолияти бўйича маълумотларни йиғиш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.<br>3. Молиявий сектор шарҳини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш бўйича Молия вазирлиги ва бошқа идоралар, шунингдек, молиявий сектор ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириш.<br>4. Бошқа молиявий ташкилотлар ва молиявий сектор шарҳларини тузиш. | 2019-2020 йй. | Марказий банк *(И.Норқулов)*, Молия вазирлиги *(Ш.Шарахметов)*, Давлат статистика қўмитаси *(Б.Бегалов)*, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, молиявий ташкилотлар |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 19 » августа 2019 у.    № 691    Toshkent sh.

**О внедрении современной системы национальных счетов в Республике Узбекистан**

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года № УП–5635 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития», а также в целях внедрения международных стандартов современной системы национальных счетов в Республике Узбекистан Кабинет Министров постановляет:

1. Принять к сведению, что:

в соответствии с постановлением Президента Республики Узбекистан от 31 июля 2017 года № ПП–3165 «О мерах по совершенствованию деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике» осуществляется последовательная работа по совершенствованию методологии макроэкономических расчетов на основе руководства «Система национальных счетов-2008»;

налажено тесное сотрудничество с Междунароным валютным фондом, Азиатским банком развития, Всемирным банком, Европейской экономической комиссией ООН и Статкомитетом СНГ по вопросам оказания технического и консультационного содействия во внедрении международных стандартов макроэкономической статистики и совершенствовании статистики национальных счетов в республике.

2. Согласиться с предложениями Государственного комитета по статистике, Министерства финансов, Министерства экономики и промышленности, Центрального банка Республики Узбекистан о поэтапном внедрении с 1 января 2020 года современной системы национальных счетов, предусматривающей обеспечение полноты охвата макроэкономических показателей и совершенствование методологии расчета валового внутренного продукта методом конечного использования.

3. Утвердить Комплекс практических мер по дальнейшему совершенствованию экономической статистики и внедрению современной системы национальных счетов в Республике Узбекистан (далее – Комплекс практических мер) согласно приложению.

4. Государственному комитету по статистике и Министерству финансов Республики Узбекистан обеспечить:

взаимодействие между заинтересованными министерствами и ведомствами в вопросах формирования информационного ресурса для составления экономической статистики, в том числе статистики национальных счетов;

расширение международного сотрудничества в вопросах дальнейшего совершенствования макроэкономической статистики в республике путем активного привлечения международных организаций.

5. Возложить на руководителей министерств и ведомств персональную ответственность за своевременную и качественную реализацию мероприятий, предусмотренных Комплексом практических мер.

6. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на заместителя Премьер-министра Республики Узбекистан – министра финансов Кучкарова Д.А. и председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике Бегалова Б.А.

**Премьер-министр**
**Республики Узбекистан** **А. Арипов**

Приложение
к постановлению Кабинета Министров
от «19» августа 2019 г. № 691

**КОМПЛЕКС ПРАКТИЧЕСКИХ МЕР**
**по дальнейшему совершенствованию экономической статистики и внедрению современной системы национальных счетов в Республике Узбекистан**

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| **I. Совершенствование экономической статистики, в том числе статистики национальных счетов** | | | | |
| 1 | Завершение работ по перерасчетам ретроспективных динамических рядов внутреннего валового продукта (далее – ВВП) методом производства и конечного использования, с учетом изменений методологических подходов в данных 2017 года:<br>годовые данные – за 2010-2016 гг.;<br>квартальные данные – за 2016-2018 гг. | 1. Проведение перерасчетов и подготовка сравнительных аналитических таблиц по изменениям в макроэкономических показателях.<br>2. Обновление данных в разделе «Национальные счета» на Национальной странице сводных данных Узбекистана в рамках расширенной Общей системы распространения данных (далее – р-ОСРД) Международного валютного фонда (далее – МВФ).<br>3. Оповещение пользователей статистической информации о внесенных изменениях в макроэкономические показатели посредством официального сайта Госкомстата. | сентябрь 2019 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 2 | Совершенствование форм государственных статистических наблюдений и вопросников по обследованию домашних хозяйств в соответствии с требованиями Системы национальных счетов (далее – СНС). | 1. Разработка предложений по внесению изменений в формы государственных статистических наблюдений и вопросников по обследованию домашних хозяйств на 2020 год.<br>2. Разработка предложений по статистическим работам, выполняемым другими министерствами и ведомствами для включения в проект Программы государственных статистических работ на 2020 год. | сентябрь 2019 года<br><br>сентябрь-ноябрь 2019 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минэкономпром *(Ходжаев Б)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| 3 | Детализация квартальных расчетов ВВП производственным методом. | 1. Анализ источников информации для обеспечения более подробной разбивки квартального ВВП по видам экономической деятельности.<br>2. Проведение экспериментальных расчетов квартального ВВП в разбивке по всем секциям Общегосударственного классификатора экономической деятельности Республики Узбекистан (ред.2) (далее – ОКЭД-2).<br>3. Публикация квартального ВВП по всем секциям классификатора ОКЭД-2. | сентябрь 2019 года<br><br>декабрь 2019 года<br><br>июнь 2020 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 4 | Внедрение международных статистических классификаций, используемых при расчетах ВВП методом конечного использования. | 1. Адаптация «Классификации функций органов государственного управления» (далее – КФОГУ) к практике расчетов ВВП методом конечного использования.<br>2. Совершенствование классификации расходов домашних хозяйств на конечное потребление в соответствии с «Классификацией индивидуального потребления по целям» (далее – КИПЦ). | Ноябрь-декабрь 2019 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)* |
| 5 | Проведение детализированных расчетов ВВП по методу конечного использования. | Осуществление расчетов:<br>расходов домашних хозяйств на конечное потребление на основе КИПЦ;<br>расходов органов государственного управления на конечное потребление на основе КФОГУ;<br>валового накопления основного капитала на основе классификации нефинансовых активов. | март 2020 года<br><br>ноябрь 2020 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)* |
| 6 | Совершенствование практики составления таблиц «Ресурсы и использование». | 1. Осуществление подготовительных работ по проведению обследования состава затрат предприятий и организаций на производство и реализацию продукции. | октябрь-декабрь 2019 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Проведение обследования состава затрат предприятий и организаций на производство и реализацию продукции. | январь-июнь 2020 года | |
| 7 | Расширение процессов обмена данными между составителями макроэкономической статистики. | Регулярное проведение консультационных встреч ответственных специалистов министерств и ведомств, составляющих макроэкономическую статистику и углубление межведомственного взаимодействия по вопросам формирования информационного ресурса, для составления экономической статистики, в том числе статистики национальных счетов и цен. | на постоянной основе | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)*, Минэкономпром *(Ходжаев Б)* |
| 8 | Активное привлечение международных организаций для оказания консультативной и технической помощи по вопросам дальнейшего совершенствования экономической статистики, в том числе статистики национальных счетов и цен. | 1. Проработка вопросов привлечения экспертов международных организаций.<br>2. Организация миссий технической помощи по важным направлениям совершенствования экономической статистики, в том числе статистики национальных счетов и цен. | по согласованию с международными организациями | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 9 | Внедрение расчетов основных макроэкономических показателей с учетом новых положений системы национальных счетов, влияющих на величину, структуру и динамику ВВП. | 1. Формирование исходных данных для проведения расчетов с учетом новых положений СНС.<br>2. Осуществление экспериментальных расчетов соответствующих показателей и анализ их влияния на компоненты ВВП.<br>3. При необходимости обсуждение результатов расчетов между заинтересованными министерствами и ведомствами для принятия соответствующих решений.<br>4. Приведение практики расчетов ВВП в соответствие с новыми положениями СНС. | в течение 2019 года<br>в течение 2019 года<br>в течение 2019 года<br>в течение 2020 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, причастные министерства и ведомства |
| 10 | Совершенствование практики составления квартальной экономической статистики. | 1. Сбор и анализ дискретных отчетных данных, поступающих из форм государственной статистической отчетности. | в течение 2019 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| | | 2. Анализ согласованности квартальных и годовых данных.<br>3. Внедрение расчетов дискретных квартальных данных в среднегодовых ценах базисного года. | в течение 2019 года<br>январь-июнь 2020 года | |
| 11 | Усовершенствование методологии формирования показателей экономической статистики. | Разработка, утверждение и внедрение усовершенствованных методических положений в области экономической статистики. | в период 2019-2020 гг. | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 12 | Обеспечение согласованности данных СНС с другими системами макроэкономической статистики. | 1. Обеспечение согласованности данных СНС с платежным балансом.<br>2. Обеспечение согласованности данных СНС со статистикой государственных финансов. | в период 2019-2020 гг. | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)* |
| 13 | Улучшение методологии формирования и качества данных по статистике цен. | Совершенствование методологии формирования индексов потребительских цен и цен производителей в соответствии с международными рекомендациями. | в период 2019-2020 гг. | Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Минэкономпром *(Ходжаев Б)*, причастные министерства и ведомства |
| 14 | Участие в очередном глобальном раунде Программы международных сопоставлений (далее – ПМС). | 1. Проработка вопроса участия Республики Узбекистан в очередном раунде ПМС с региональным координатором ПМС.<br>2. Взаимодействие с региональным координатором ПМС по вопросам сбора, формирования и предоставления данных, предусмотренных ПМС.<br>3. Участие в очередном глобальном раунде ПМС. | в соответствии с графиком очередного раунда ПМС | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| 15 | Развитие кадрового потенциала и повышение профессионализма персонала в области экономической статистики, в частности, системы национальных счетов. | 1. Регулярное участие в международных и региональных семинарах, учебных и онлайн-курсах.<br>2. Обмен полученными навыками и опытом между специалистами Госкомстата по итогам участия в международных и региональных семинарах, учебных курсах.<br>3. Проведение регулярных учебных тренингов по методологическим и практическим вопросам для вновь принятых специалистов. | на постоянной основе | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 16 | Разработка Национальной стратегии развития статистики и программы по ее реализации на среднесрочную перспективу. | 1. Проработка вопроса с Группой Всемирного банка по совместной разработке Национальной стратегии развития статистики.<br>2. Проведение оценки текущего состояния национальной системы статистики на предмет соответствия международным рекомендациям и определение приоритетных направлений развития с участием экспертов Группы Всемирного банка.<br>3. Разработка Национальной стратегии развития статистики и программы по ее реализации на среднесрочную перспективу. | сентябрь 2019 года<br><br>сентябрь-декабрь 2019 года<br><br>январь 2020 года | Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| **II. Совершенствование статистики государственных финансов и повышение открытости бюджетных данных** | | | | |
| 17 | Завершение классификации по секторам, с введением недостающих данных и получением необходимой информации для надлежащей классификации пограничных случаев и обсуждение результатов с Госкомстатом. | 1. На основе перечня юридических лиц с долей государства в уставном фонде (капитале) проведение секторизации на предмет отнесения их к институциональным единицам сектора государственного управления.<br>2. Организация консультационных встреч и круглых столов для обсуждения результатов проводимой работы.<br>3. Разработка и утверждение классификации институциональных единиц по секторам экономики. | сентябрь 2019 года<br><br>в течение 2019 года<br><br>в течение 2020 года | Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)*, Минэкономпром *(Ходжаев Б)*<br><br>Госкомстат *(Бегалов Б.)*, |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)*, Агентство по управлению госактивами *(Хайдаров А.)* |
| 18 | Создание нормативно-правовой базы по включению всех внебюджетных фондов бюджетных организаций и юридических лиц с долей государства в уставном фонде (капитале), являющихся нерыночными производителями, в систему учета государственной финансовой статистики. | 1. Инвентаризация, определение и составление перечня внебюджетных фондов, юридических лиц с долей государства в уставном фонде (капитале), являющихся нерыночными производителями, для составления реестра институциональных единиц, включаемых в систему учета по статистике государственных финансов.<br>2. Разработка и доведение до сведения всех внебюджетных фондов и юридических лиц с долей государства в уставном фонде (капитале), являющихся нерыночными производителями, порядка представления информации, необходимой для организации учета государственной финансовой статистики (формы и сроки представления ежеквартальных финансовых статистических отчетов по международным стандартам). | сентябрь 2019 года<br><br>сентябрь 2019 года | Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Минэкономпром *(Ходжаев Б)*, Агентство по управлению госактивами *(Хайдаров А.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)* |
| 19 | Обеспечение полноты охвата сектора государственного управления в отчетах по статистике государственных финансов (далее – СГФ) путем включения деятельности внебюджетных фондов, а также внебюджетных счетов бюджетных организаций (начиная с отчетов 2019 года) и деятельности нерыночных единиц. | Предоставление начиная с 2020 года статистических отчетов сектора государственного управления в соответствии со стандартами Руководства статистики государственных финансов (далее – РСГФ-2014) (отчетность по доходам, расходам, операциям с активами и обязательствами, а также расходам по функциям органов государственного управления). | май 2020 года | Минфин *(Шарахметов Ш.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| 20 | Налаживание каналов обмена данными, согласование системы классификации по секторам и формирование гармонизированной статистики государственных финансов. | 1. Установление тесного взаимодействия между Министерством финансов, Госкомстатом и Центральным банком по формированию статистики государственных финансов.<br>2. Заключение Меморандума между Министерством финансов, Центральным банком и Госкомстатом о взаимодействии по качественному составлению статистики государственных финансов, установлению каналов быстрого обмена информацией, интеграции с Системой национальных счетов и другими международными статистическими отчетностями. | сентябрь 2019 года<br>октябрь 2019 года | Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)* |
| 21 | Обеспечение согласованности данных, предоставляемых Министерством финансов и Центральным банком Республики Узбекистан для международных финансовых институтов. | 1. Сбор недостающих данных и завершение согласования кассового исполнения бюджета и изменений в государственных депозитах за 2018 год совместно с Центральным банком, регулярное проведение таких согласований.<br>2. Завершение начального согласования данных между исполнением бюджета сектора государственного управления и отчетами по СГФ.<br>3. Ежегодное согласование сальдо сектора государственного управления и изменений в совокупном объеме долга. | сентябрь 2019 года<br>сентябрь 2019 года<br>март (ежегодно) | Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Центральный банк *(Норкулов И.)* |
| 22 | Дальнейшее совершенствование предоставляемой отчетности и раскрытие информации в соответствии со стандартом РСГФ-2014. | 1. Отражение в бюджетной отчетности информации о внебюджетных счетах бюджетных организаций и юридических лиц с долей государства в уставном фонде (капитале), которые включаются в сектор государственного управления.<br>2. Представление информации о сальдо бюджета, согласующейся с концепцией чистого кредитования/заимствования, а также отдельное | май 2020 года | Минфин *(Шарахметов Ш.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| | | представление общего сальдо.<br>3. Совершенствование отчетности по доходам для приведения в соответствие со стандартом РСГФ-2014. Отдельное представление неналоговых доходов и их основных компонентов.<br>4. Представление информации об оценках расходах в экономической классификации и по административным единицам.<br>5. Поэтапный переход к представлению бюджета и раскрытию бюджетной информации в соответствии со стандартом РСГФ-2014. | | |
| | **III. Совершенствование статистики внешнего сектора и денежно-кредитной статистики** | | | |
| 23 | Активное привлечение международных организаций для оказания консультативной и технической помощи по совершенствованию статистики внешнего сектора и денежно-кредитной статистике. | Проработка вопросов привлечения миссии технического содействия МВФ к процессу совершенствования методологии составления и улучшения качества, формируемых данных внешнего сектора и денежно-кредитной статистики. | в течение 2019 года | Центральный банк *(Норкулов И.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)* |
| 24 | Открытие страницы Республики Узбекистан в сборнике МВФ «Международная финансовая статистика». | 1. Осуществление совместно с миссией технического содействия МВФ работ по приведению стандартных форм отчетностей в соответствии с новыми стандартами согласно требованиям последнего Руководства МВФ по денежно-кредитной и финансовой статистике (Monetary and Financial Statistics Manual and Compilation Guide (IMF, 2016)).<br>2. Координация деятельности совместно с Госкомстатом, Министерством финансов и Министерством занятости и трудовых отношений в части предоставления МВФ данных по статистике национальных счетов, | 2019-2020 гг. | Центральный банк *(Норкулов И.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Минтруда *(Мухитдинов Э.)* |

| № | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки реализации | Ответственные исполнители |
|---|---|---|---|---|
| | | государственных финансов и трудовых ресурсов для публикации в сборнике МВФ «Международная финансовая статистика». | | |
| 25 | Составление обзора по финансовому сектору. | 1. Привлечение миссии технического содействия МВФ по составлению стандартных форм отчетностей по другим финансовым организациям.<br>2. Разработка и внедрение механизма получения данных по деятельности других финансовых организаций (страховые и лизинговые компании, микрокредитные организации, ломбарды, брокерские фирмы, биржи и др.).<br>3. Координация деятельности совместно с Министерством финансов и другими ведомствами, а также организациями финансового сектора в части разработки и получения на периодической основе данных, необходимых для формирования обзора финансового сектора.<br>4. Составление обзоров по другим финансовым организациям и финансовому сектору. | 2019-2020 гг. | Центральный банк *(Норкулов И.)*, Минфин *(Шарахметов Ш.)*, Госкомстат *(Бегалов Б.)*, причастные министерства и ведомства, финансовые организации |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3